

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ ЎРГАНИЛИШИНING НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

АБИРОВ ВАЛИШЕР

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақола ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласи ўрганилишинг назарий-методологик асосларидаги мезонлар, фикрлар тадрижи, концепсияларни таҳлил қилишга бағишланган. Ўзбекистон тарихи фанининг ривожланиши, шунга мувофиқ тарзда унинг асосий ўзак қисми бўлган ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи назарий-методологик масаласини археологик, антропологик, этнологик ҳамда муайян даражада тарихиунослик тадқиқотлар асосида ўрганилиши мақолада илмий таҳлил этилган.

Таянч сўз ва иборалар: этнос, этногенез, этник тарих, методология, концепсия, археологик, антропологик, этнологик тадқиқотлар.

Аннотация. В данной статье рассматривается этногенез и этническая история узбекского народа на теоретико-методологической основе обучения, эволюция взглядов, а также анализ концепции. В статье анализируется историческое развитие истории Узбекистана и, соответственно, изучение теоретико-методологической проблемы этнической истории и этногенеза узбекского народа на основе археологических, антропологических, этнологических и, в некоторой степени, исторических исследований.

Опорные слова и выражения: этнос, этногенез, этническая история, методология, концепция, археология, антропология, этнологические исследования.

Abstract. In this article ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people on the theoretical and methodological basis of teaching has been considered, the evolution of views, as well as the analysis of the concept. The article analyzes the historical development of the history of Uzbekistan and, accordingly, the study of the theoretical and methodological problem of ethnic history and ethnogenesis of the Uzbek people on the basis of archaeological, anthropological, ethnological and, to some extent, historical research.

Keywords and expressions: ethnos, ethnogenesis, ethnic history, methodology, concept, archeology, anthropological, ethnological studies.

Ўтган асрдаги етакчи олимлар (С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, Я.Ғ.Ғуломов, Ю.В.Бромлей, К.Ш.Шониёзов ва бошқалар)нинг йирик умумлашма асарларидаги назарий мулоҳазалар ва илмий хулосалар ҳамда этногенез соҳасидаги қарор топган илмий тушунчалар ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мавзуидаги адабиётларни ўрганиш ва тарихшунослик бўйича тадқиқот яратишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тарих фанида этногенез деб қадимдан мавжуд бўлган, бир неча этник компонентлар асосида янги этноснинг вужудга келишига айтилади. Этник бирлик эса муайян бир ҳудудда истиқомат қилган маҳаллий этнослар ўзaro аралашиб, қўшилиб, бир-бирига сингиб бориши натижасида пайдо бўлади (бу маҳаллий – автохтон дейилади) ёки шаклланаётган ва шаклланиб етган этник бирликка бошқа ҳудуд-

лардан келган этник уюшмаларнинг келиб қўшилиши асосида шаклланади. Бироқ янги этник бирлик шаклланиб бўлиши билан этногенез жараёни тўхтаб қолмайди, вақт ўтиши билан унга янги компонентлар келиб қўшилиши ёки айрим компонентлар ундан ажралиб чиқиб кетиши мумкин. Ю. В. Бромлей таъриф беришича, этногенез шундай мураккаб жараёнки, унда муайян ҳудудда, муайян шароитда мавжуд бўлган одамлар йиғиндисидан умумий бирлик ташкил топади ва у “нафақат умумий хусусиятларга, балки маданиятнинг (шу жумладан, тилнинг ҳам) ва психиканинг нисбатан турғун хусусиятларига эга бўлади ва шунингдек, ўзининг бирлигини ва барча ўхшаш уюшмалардан фарқини идрок этади”¹.

¹ Бромлей Ю.В. Очерки истории этноса. – М.: Наука, 1983. – С. 57–58.

Этник тарих эса мана шу мураккаб жараёнларни ўрганадиган фан соҳасидир. Ю. В. Бромлей фикрича, этник тарих этник жараёнларнинг барча кўринишларини, шу жумладан, ижтимоий жараёни тадқиқ қилиши керак¹. Бошқа рус олими Л. П. Лашук ҳар қайси халқнинг этник тарихи ўша халқнинг энг қадимги уруғ-аймоғчилик гуруҳларидан келиб чиқиши ва тараққиётдан тортиб то ҳозирги этник ҳолатигача, этник ҳудуднинг шаклланиши ва қўшни халқлар билан асрлар давомида ўзаро муносабатларигача бўлган масалаларнинг анча кенг доирасини ўз ичига олади, деб ҳисоблайди². Этногенез ҳар қайси этноснинг этник тарихининг илк даври, этник тарих этногенез жараёни тугаллангандан кейин ҳам давом этаверади³.

Халқлар этногенези ва этник тарихи назарияси, қисқача шундан иборат бўлса, бу масалаларни ҳал қилишдаги тамойиллар ва амалий вазифалар 1942 йили Тошкентда ўтказилган Ўрта Осиё халқларининг этногенезига бағишланган илмий сессиясида кўрсатиб берилди. Мазкур сессияда этногенез масалаларини ўрганадиган махсус фан – этногенетика вужудга келганлигини таъкидлаб, бу соҳадаги муаммоларга янгича ёндашиш лозимлиги қайд қилинди ва масалани айтиб бир вақтнинг ўзида ҳам археологик, ҳам антропологик, ҳам лингвистик, ҳам тарихий жиҳатлардан комплекс равишда ўрганиш вазифаси қўйилди. С. П. Толстов ҳар бир халқнинг таркиби унинг бошланғич давриданок мураккаб бўлганлигини эътироф этилгандагина этногенетик муаммоларни илмий асосда ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатиб, бу масалаларни ҳал қилишдаги асосий вазифаларни аниқлаб берди. Дастлаб халқ яшаб турган ҳудуднинг этник таркибини ёки ўша халқ қарор топган ҳудудни тадқиқ қи-

лишдан, этногенез жараёни бошланган ва охирига қолган босқичда юз берадиган аниқ тарихий даврни ва ҳудудий-ижтимоий бирлашмани аниқлаб олишдан бошлаш керак. Ўрта Осиё халқларининг этногенез жараёни бошланган ана шундай қадимги ҳудудий-сиёсий бирлашмалар доираси м.авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмида қарор топганлигини таъкидлаб, С. П. Толстов ўзбеклар учун бундай ҳудудий-сиёсий бирлашма Қанг подшолиги бўлади деб ҳисоблайди. Этногенезнинг асосий вазифаларидан яна бири – халқнинг этногенетик жараёни охирига қолган босқичда юз берадиган аниқ тарихий даврни ва ҳудудий-ижтимоий бирлашмани аниқлаб олишдир. Бундай вақт ва ҳудуд ўзбеклар учун XI–XII асрлардаги Қорахонийлар давлати ҳисобланади⁴.

Рус муаллифларининг XIX аср давомида чоп этилган Ўрта Осиёга бағишланган асарлари ўзбек халқи этногенезига оид масалаларнинг ёритилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Э.К.Мейендорф⁵, Н.В.Хаников⁶, А.Ф.Миддендорф⁷, В.Наливкин⁸, Н. П. Остроумов⁹ асарлари мазкур мавзуга бағишланган махсус илмий асарлар бўлмай, балки Ўрта Осиёга сафар қилган рус элчилари, сайёҳлари, мутахассисларнинг ҳисоботлари, сафарномалари, йилномалари, кундаликлари каби нашрлардан иборат. Мазкур муаллифлар орасида Н. В. Хаников каби шарқшунослар, академик А. Ф. Миддендорф каби олимлар ҳам бор эди, бироқ

¹ Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М.: Наука, 1973. – С. 237.

² Лашук Л.П. Этническая история Печорского края // Краткие сообщения Института этнографии. Вып. 25. – С. 82.

³ Историческая энциклопедия. – М., 1976. Т. 15. – С. 640.

⁴ Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. Тезисы докладов // Советская этнография. – М., 1947. №. VI–VII. – С. 303.

⁵ Мейендорф Э.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975.

⁶ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1873.

⁷ Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882.

⁸ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886.

⁹ Остроумов Н.П. Сарты // Этнографические материалы. Вып. III. Т., 1895.

улар подшо ҳукумати томонидан сиёсий топшириқлар билан расман юборилган бўлиб, уларнинг олдига Ўрта Осиёни ҳар жихатдан ўрганиш вазифаси қўйилган эди. Шу боис ушбу асарларда бу ўлканинг табиий географик шароити, ер ости бойликлари ва уларни ишлаб чиқариш истикболлари, йўллари ва транспорт воситалари, ҳукумати ва ҳукмдорлари, қуроли кучларнинг аҳволи, ҳўжалик тизими ва унинг ишлаб чиқариши, аҳолиси ва ижтимоий муносабатлар, аҳолининг урф-одатлари ва миллий характери ҳақида маълумотлар йиғиндисини топамиз. Шу билан бирга, бу асарларда ўзбек этноси, уруғлари, этногенезига оид маълумотлар ҳам учрайди. Бу маълумотлар, Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик режаларини тузаётган подшо ҳукуматининг сиёсий мақсадларига мувофиқ йиғилган бўлса-да, рус тарихий адабиётида Ўрта Осиё ва унинг халқлари ҳақидаги илк маълумотлар эди. XIX асрда яратилган адабиётларнинг бошқа бир қисми, гарчи улар ҳам саёхотномалар ва хотиралар тарзида ёзилган бўлса-да, ўзбек уруғлари ҳақидаги маълумотларнинг холис ва эканлиги билан, ўзбек халқи этногенезига доир масалалар турли хил далиллар, ёзма манбалар асосида ёритилганлигини билан юқоридаги кўрсатилган адабиётлардан ажралиб туради.

Туркшунос В. В. Радлов асарлари¹, рус тарихий адабиётига илк бор кўп сонли хитой манбаларини олиб кирган таржимон ва тадқиқотчи Н. Я. Бичурин асарлари², А. Гребенкин мақолалари³ ўзбек халқи таркибига кирган туркий қабилалар, уларнинг ном-

лари, истиқомат қилган ҳудудлари ва бошқа масалаларга бағишланган, илмий асосланган асар дейиш мумкин. Айтиш мумкинки, XIX аср рус адабиёти турли характерда бўлиб, уларни ўрганиш ўзбек халқи этногенезига оид билимларнинг илк бор пайдо бўлганидан бошлаб қандай ривож топгани ва аср охирига бориб жиддий тадқиқотлар яратиш даражасига етганини кузатиш имконини беради.

XX асрнинг бошидан 50-йилларигача яратилган илмий адабиётларга, аввало, машҳур шарқшунос олим, академик В. В. Бартольднинг асарларини киритиш мумкин⁴. Олимнинг Ўтра Осиё ва қўшни Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, аҳолиси ҳақида тўпланган маълумотлари ва унинг ҳозиргача ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган илмий меъросини ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларини ўрганш борасидаги илк аҳамиятли илмий манбалар дейиш мумкин. Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти, шу жумладан, этногенези ва этник тарихи билан шуғулланган барча олимлар В. В. Бартольднинг форс, араб, хитой тилларидаги кўп сонли қўлёзма манбалардан фойдаланиб яратилган асарларини ҳозиргача четлаб ўтолмайдилар, аксинча, ўз тадқиқотларини унинг асарларини ўрганишдан бошлаб, ундаги маъ-

¹ Радлов В.В. Из Сибири (Страницы дневника путешественника-лингвиста). – М., 1989.

² Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л., 1950–1953. Т.1.

³ Гребенкин А.Д. Узбеки //Русский Туркистан. Сб. изданий по поводу политехнической выставки. – М., 1872. Вып. П. – С. 80. Минг // Материалы для статистики Туркистанского края. – СПб., 1874.

⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т.1. – М., 1963; История культурной жизни Туркистана. Соч. Т. (1). – М., 1963; Очерки истории Семиречья. Соч. Т.П. (1). – М., 1963; История Туркестана. Соч. Т.П. (1). – М., 1963; Речь перед защитой диссертации. Соч. Т.1. – М., 1963; Аланы. Соч. Т.1. – М., 1963; К вопросу о языках: согдийском и тохарском. Соч. Т.П.(2). – М., 1964; О христианстве в Туркестане домонгольской период. Соч. Т.П.(2). – М., 1964; Шайбаниды. Соч. Т.П.(2). – М., 1964; Тюрки. Соч. Т.У. – М., 1968; 12 лекций по истории турецких народов Средней Азии. Соч. Т.У. – М., 1968; Рецензия на книгу: Н. А. Аристов. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. Соч. Т.У. – М., 1968; Чагатайская литература. Соч. Т.5. – М., 1968; Введения к изданию «Худуд ал-алам». Соч. Т.УШ. – М., 1973; История изучения Востока в Европе и России. Соч. Т. IX. – М., 1977 и др.



лумотлар билан таққослайдилар. В. В. Бартольднинг биз ўрганиб чиққан барча тадқиқотлари, жумладан, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалалари ёритилган Элликдан ортиқ асарларида илк ўрта асрларда туркий қабилалар ва уларнинг ҳудудий жойлашиши ҳақида маълумотлар берилади, ўзбек халқининг шаклланиш даври, Қарлуқлар ва Қорахонийлар давлати, ўзбек, сарт, чигатой ва ҳакозолар устида илмий фикр ҳамда баҳс юритилади. Қайд этиш лозимки, вақт ўтган сари фанда, хусусан этнография, археология, антропология, соҳаларида кўзга кўринарли янгиликлар очилгандан кейин олимнинг айрим мулоҳазалари кенгайтирилди, айрим камчиликлар тузатилиб, бу ҳақида қуйида келтирилган айрим асарларда кўрсатилиб ўтилади.

С. П. Толстов¹, А. Ю. Якубовский², Н. Бернштам³, Л. Б. Ошанин⁴, А. А. Семенов⁵,

¹ Толстов С. П. Древняя культура Узбекистана. – Т.: Фан, 1943; Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. Советская этнография. – М., VI–VII, 1947; Аральский узел этногенетического процесса // Там же, Древний Хорезм. – М., 1948; По следам древнехорезмской цивилизации. – М., 1948; Тирания Аброя // Исторические записки. Вып. 5. – М., 1949; Бируни. Сборник статей под ред. С. П. Толстова. СССР. – М.–Л., 1950; Огузы, печенеги и море Даукара // Советская этнография. № 4. 1950; Труды хорезмской археолого-этнографической экспедиции А. Н. СССР. Т. I. IV. – М., 195–1958; По древним дельтам Окса и Яксарта. – М.–Л., 1962.

² Якубовский А. Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Т.: ЎзФАН, 1941. Греков Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. – М.–Л., 1950.

³ Бернштам А. Н. Археологический очерк Киргизии. – Фрунзе, 1940 (МИКК. Вып. I–IV); Памятники старины Таласской долины. Историко-археологический очерк. – Алма-Ата, 1941; Историческое прошлое киргизского народа. – Фрунзе, 1942; Социально-экономический строй Орхон-Енисейских тюрок. VI–VIII вв. – М.–Л., 1946; Труды Семиреченской археологической экспедиции «Чуйская долина». // Материалы и исследования по археологии СССР. № 14. – М.–Л., 1950; Древняя Фергана. – Т., 1951; Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Ада. – М.–Л., 1952.

⁴ Материалы по антропологии Средней Азии. Узбеки Хорезма. Ч. 1. // Бюллетень САГУ: № 16. – Т., 1927; Ошанин Л. В., Зезенкова В. И. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии

Л. Н. Гумилев⁶ ва бошқа олимларнинг асарлари ёзма манбалардан ташқари, археологик қазилмалар ва антропологик тадқиқотлар асосида яратилгани сабабли ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласида махсус илмий асарлар ҳисобланади. Ушбу асарларда ўзбек халқининг аجدодлари қадим замонлардан буён ерли маҳаллий этнослар асосида жуда кўп компонентларнинг ўзоро аралашуви натижасида давомли тарихий жараёнларда босқич-ма-босқич шаклланиши исбот қилинади.

Ўтган асрларда хорижий ва собиқ Иттифоқ тарихчи олимлари ўзбек халқининг этник тарихини XV–XVI асрлар деб чамалаб, айнан дашти қипчоқ ҳудудидан кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннахр ҳудудига кириб келиши билан боғлаган. Бундай фикр илмий асосга эга бўлмаган ҳолда, Марказий Осиё халқлари тарихини мукаммал ўрганмаган ҳамда татбиқ этмаган кишиларларнинг ноилмий қарашлари эди. 1941 йилдан бошлаб ўзбек халқининг шаклланиши масаласи юзасидан А. Ю. Якубовский чоп эттирган рисо-ласида⁷ илмий асослар билан янгича ёндашувни очиб берди. Ушбу мавзунинг назарий методологиясини ўрганишда 50–90-йилларда илмий фаолият кўрсатган олимларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин. Я. Ғ. Ғуломов⁸, К. Ш. Шониезов¹, Б. А. Аҳмедов²,

(Итоги 25-летних антропологических исследований в Средней Азии). – Т., 1953; Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов. – Ереван, Ч. 1, 1957, Ч. 2, 1958, Ч. 3, 1959.

⁵ Семенов А. А. К вопросу о происхождении и составе узбеков Шайбани-хана: Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Выпуск 1. Труды, том XII. – Сталинабад, 1954.

⁶ Гумилев Л. Н. Эфталиты и их соседи. ВДИ. – 1959. № 1. Эфталиты - горцы или степняки. ВДИ. – 1967. № 3. Древние Тюрки. – М.: Наука, 1967. – С. 504; Хунны в Китае. – М.: Наука, 1974. – С. 236; География этноса в исторический период. – Л.: Наука, 1990. – С. 278.

⁷ Якубовский А. Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Т.: ЎзФАН, 1941.

⁸ Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи қадимги замонлардан ҳозиргача. – Т., 1959; Кушон подшолиги ва Ўрта Осиёнинг қадимги ирригацияси. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Т., 1968.





И.Жабборов³ асарлари ёзма манбалар ва қисман археологик топилмалар асосида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ҳақида янги хулосалар келтирган бўлса, А.А.Асқаров⁴, Ю.Ф.Буряков⁵, Т.К.Ходжаёв⁶,

К.Нажимов⁷ ва бошқаларнинг тадқиқотларида нафақат этногенез, балки этник тарих масалалари ҳам археологик ва антропологик тадқиқотлар асосида чуқур ўрганилган. Ўзбек антропологларнинг изланишлари ўзбеклар этногенезини янада бойитди ва тарихчи, этнограф, археологларнинг тадқиқотларидаги хулосаларнинг ҳаққонийлигини исботлади.

Бу туркум адабиётларига илмий ишда фойдаланилган, юртимиз мустақиллиги шарофати билан таржима қилиниб, чоп этилган ва мустақиллик даврида яратилган барча манбалар ҳамда адабиётларни киритиш мумкин. Жумладан, Б.Аҳмедов таҳрири остида ўзбек тилида чикқан Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” (Т., 1994) номли асари олимларнинг тадқиқотларидаги айрим мулоҳазаларига аниқлик киритиш имконини беради. Ҳасан Ато Абушийнинг П.Равшанов таржимасига ўзбек тилида нашр этилган “Туркий қавмлар тарихи” (Т., 1995) номли асари, ҳам биз ўрганаётган мавзу бўйича қизиқарли бўлган тадқиқотдир. Араб, форсий, туркий тиллар, рус ва европа халқлари тилларида ёзилган кўп сонли манбалардан фойдаланиб яратилган бу асар туркий халқларнинг қадим замонлардан то XX аср бошларигача бўлган тарихи, турк уруғлари, уларнинг номлари ва бўлинмалари, улар жойлашган ҳудудлар, турли туркий халқлар таркибига кирган компонентлар, уларнинг келиб чиқиши, маданияти, этник хусусият-

¹ Шаниёзов К. Ш. К вопросу о социальных отношениях у карлугов южных районов Узбекистана в конце XIX – нач. XX вв. (По этнографическим данным) //Изд. АН. ЎзССР. Серия общественных наук, 1959. №3; Узы. История родоплеменных делений узбеков // Общественные науки в Узбекистане, 1970. // Общественные науки в Узбекистане, 1970. №2; К этнической истории узбекского народа. – Т., 1974; Этнокультурные связи узбеков с другими тюркоязычными народами Средней Азии и Казахстана //Проблемы современной тюркологии. – Алма-Ата, 1980; К вопросу об участии тюркских племен Центральной Азии и южной Сибири в этногенезе узбекского народа //Историко-культурные контакты народов алтайской общности. Т.1. – М., 1986; К вопросу о тюркоязычных компонентах в сложении узбекской народности //Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. III. – М., 1991; Некоторые вопросы этнической истории динамики и этнических связей узбеков в XIV–XVII вв. // Материалы этнической истории населения Средней Азии. – Т., 1986; Қанг давлати ва қанғилилар. – Т., 1991; Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннахр аҳолисининг этник таркиби // Шарқшунослик. – Т., 1996. №7. 143–154-бетлар. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1996. №7. 79–87-бетлар.

² Аҳмедов А.А. Значение письменных памятников в изучении этнической истории узбеков. //Материалы к этнической истории населения Ср.Азии. – Т., 1986. – С. 14–30; Ўзбек улуси. – Т., 1992; Тарихдан сабоқлар. – Т., 1994; Тўрт улус тарихи (Мирзо Улуғбек). Аҳмедов таҳрири остида. – Т., 1994.

³ Жабборов И. Кўҳна харобалар сири (Қадимги Хоразм маданияти тарихидан лавҳалар). – Т., 1968.

⁴ Асқаров А.А. Сапаллитепа. – Т., 1973; Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана. – Т., 1973; Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа //Материалы к этнической истории населения Ср. Азии. – Т., 1986; Ўзбеклар қандай келиб чиққан? //Фан ва турмуш. 1985. №3–4; Асқаров А.А., Аҳмедов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи // Ўзбекистон овози. 1994 йил 20 январь.

⁵ Буряков Ю.Ф. Городище Минг-урук в Ташкенте // Труды САГУ им.Ленина. Археология Средней Азии. – Т., 1956; Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (Историко-археологический очерк Чача и Илака). – Т., 1975; Исторический топографический обзор района Ташкента. // Древности

Ташкента. – Т., 1976; Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Т., 1982.

⁶ Ходжайов Т.К., Ягодин Н.К. Некрополь древнего Миздахкана. – Т., 1970; Антропологический состав населения эпохи Сапаллитепа. – Т., 1977; К палеоантропологии древнего Узбекистана. – Т., 1980; Краткие итоги изучения антропологии Средней Азии в связи с проблемами этногенеза узбекского народа // Материалы этнической истории населения Средней Азии. – Т., 1986; Алексеев В.П., Асқаров А.А., Ходжайов Т.К. Историческая антропология Средней Азии (палеолит – эпоха античности). – Т., 1990.

⁷ Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхандарьинской области (В связи с некоторыми вопросами этногенеза). – Т., 1958.



ларини ёритишга бағишланади. Муаллифнинг: “Турк уруғлари қавми Турониянинг қабилабоши ва жуда эски уруғлар ва улуғ шубаъсидир. Турк халқи бу ерларнинг энг эски халқлари ва хожалари эди”, деган сўзлари ҳозирги замон ўзбек олимларининг бошқа манбалар асосида чиқарган хулосаларини тасдиқлайди. Ҳасан Ато Абушийнинг Туркистонда яшовчи қавмларда юксак маданият, илм-фан, давлатни бошқариш усулининг мукаммалиги, суғориш тизими ва ҳокозолар мавжуд бўлганлиги ҳақидаги сатрлари туркий халқларга нисбатан чуқур ҳурмат билан ёзилган ҳақиқат ҳисобланади. Ҳасан Ато Абушийнинг китоби биз ўрнаётган мавзуда яратилган рус ва ўзбек олимларининг маълумот ва хулосаларини тўлдириш билан тўлдириш ёки аниқлаш учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотда мустақиллик шарофати билан ўзбек тилида нашр этилган ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалалари ёритилган асарлар, шу жумладан Абулғози Баҳодирхон, Маҳмудхожа Бехбудий, турк олимлари Заки Валидий Туғон (келиб чиқиши бошқирд миллатидан), Усмон Турон, уйғур тарихчиси Турғун Олмос, турк олими Эрол Гунгўр асари ¹ ва бошқаларнинг асарларидан фодаланилди.

Мустақиллик даврида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид йирик асарлардан К.Ш. Шониёзов тадиқотлари натижасида яратилган асарлари ва йирик илмий китоби ² оммага тақдим этилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг этнография бўлими қошидаги “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ўрганиш” илмий гуруҳида К.Ш.Шониёзов раҳбарлиги остида ўзбек халқи этногенези ва тарихини комплекс ёритишга бағишланган катта мо-

нографик тадқиқот тайёрланди. Мазкур асар этнография, археология, лингвистика фанлари соҳасида эришилган барча ютуқларга асосланиб ёзилган ва муаммоларни ҳар томонлама қамраб олган умумлашма асардир. Шуниси муҳимки, эслатилган монографияда чет эллик муаллифларнинг ҳам тадқиқотлари кенг жалб этилган ва хануз тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолиб келаётган инглиз, немис, франсуз, турк тилларидаги қатор асарлардан фойдаланиб, уларга илмий муносабат билдирилган. К.Ш. Шониёзовнинг мазкур асари ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига бағишланган илмий адабиёт мажмуасига мустақиллик нуқтаи назаридан ёндашилган йирик монографик асар ҳисобланади. ³ А.А. Асқаровнинг мақолалари ва илмий асарлари ⁴ этногенез ва этник тарих муаммоси доирасида бажарган тадқиқотларида кўплаб диққатга сазовор мулоҳазалар билдирилган бўлиб, уларнинг орасида энг муҳими муаллиф ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнгги бронза давридан бошланади деган концепсияни илгари суради. ⁵ Муаллифнинг 2015 йилда нашрдан чиқарган “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” ⁶ деб номланган китобида ўзбек халқининг этник асосини ташкил этган бронза даври деҳқончилик маданиятларини, бу ҳақидаги юнон – рим тарихчиларининг маълумотларини, Ўрта Осиёнинг қадимги ёзма манбалари,

³ Ўша манба.

⁴ Асқаров А.А., Аҳмедов Б.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи //Ўзбекистон овози. 1994. 20-январь. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007; Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

⁵ Асқаров А.А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари.// Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих мавзусидаги республика илмий-назарий семинари материаллари. – Т., 2004. – Б. 9.

⁶ Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 670.

¹ Эрол Гунгўр. Тарихда туркий давлатлар. (Туркчадан Шаҳина Иброҳимова таржимаси). – Т.: Янги аср авлоди, 2003.

² Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001.



сўнгги бронза ва темир даври маданиятлари, чорвадор қабилалар маданияти, анти давр ҳамда илк ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги этногенетик жараёнлар ва босқичма-босқич кечган даврларда Ўрта Осиёнинг этник ҳолати ва бошқа тарихий жараёнлари кўрсатилиб берилди. А. Аскаров ўзининг тадқиқотларидан шуни маълум қиладики, археологик ва уларнинг тарихий таҳлилига кўра, ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалади.¹ Ушбу монографик тадқиқот ишида ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг узок давом этган этногенез ва этник тарихи масаласи, уруғ-қабила ҳолатидан элат-халқ бўлиб шаклланиб бориш жараёни ва шаклланган халқ сифатида миллат даражасига етишиш босқичлари бой моддий маданият ва ёзма манбалар илмий таҳлили асосида баён этилган. Монография ўзбек халқи ҳозирда яшаб келаётган тарихий она замин билан ҳамда унинг теварак-атроф ҳудудлари билан жуда қадим замонлардан бевосита боғлиқ туберли халқ эканлиги, яъни унинг этник таркибини асосан ерли суғдийлар, хоразмий, бохтарий, сак, прототурк ва туркий аждодларимиз ташкил этганлиги, ана шу икки тил соҳибларининг узок асрлар давомида бир-бирлари билан аралашиб-қоришиб яшаши натижасида янги этнос, яъни ўзбек халқи таркиб топганлиги ҳақида илмий ҳолислик ва обектив тарихий тизимлилиқ асосида батафсил маълумот берилган.

Кўриб ўтган асарлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, тадқиқотчи олимлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ва турли қадимий маданий қатламларида олиб борган қазишмалар ва топилмалар асосида Мовароуннахрнинг қадимги юксак маданият ўчоғи бўлганлигини исбот қилиш билан бирга бу юксак маданиятни яратган халқлар ва элатларни, ўзбекларнинг аждодларини, уларнинг таркибига кирган уруғ-қабилаларни, уларнинг

жойлашуви, машғулот, муносабатлари ва ўзоро яқинлашуви, бир-бирига таъсири ва аралиб кетиши, уларнинг тили ва маданияти ҳамда улар яратган давлатларни ўрганиб, илмий ҳулосалар ясайдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг археологик топилмалар асосида юритган мулоҳазаларни тарихчи олимларнинг ёзма манбалар бўйича чиқарган ҳулосаларига мос ва муофиқдир.

Сўнгги йилларда ҳам ўзбек этногенези ва этник тарихи масаласи ва унинг турли қирраларини талқин этувчи илмий ишлар олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосига оид Б.Ахмедов, К.Шониёзов, А.Аскаров, И.Жабборов, А.Ходжаев, Ш.Камолиддин, У.С.Абдуллаев, О.Бўриев, М.Усмонов, Ғ.Б.Бобоёров, А.Маликов, А.А.Аширов, А.Қаюмовларнинг қатор тадқиқотлари чоп этилди.² Таъкидлаш лозимки, 2011 йили сўнгги 20 йилдан ошиқроқ вақт давомида ЎзР ФА Тарих институти ва Россия ФА Этнология ва антропология институти ҳамкорлигида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, халқимизнинг анъанавий ҳўжалик машғулот, моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий турмуш тарзини этнографик йўналишда ўрганишга бағишланган йирик тадқиқот – “Ўзбеклар” номли йирик

¹ Аскаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 171.

² Ахмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: Мерос, 1992. – Б. 152; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 464; Аскаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. – Б. 340; Джаббаров И. Узбеки: Этнокультурные традиции, быт и образ жизни. – Т.: Шарқ, 2007; Ходжаев А. Из истории древних тюрок (сведения древнекитайских источников). – Алматы, 2011. – С. 276; Камолиддин Ш. С. Происхождение Саманидов. – Т., 2008; Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX–XX аср бошлари). – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Бобоёров Ғ. Фарбий Турк ҳоконлиги давлат тузуми: Тарих фан. док. дисс. автореф. – Т., 2012; Маликов А. М. Узбеки группы кунграт долины Зерафшана в XIX – начале XX в. – Самарканд, 2007. – С. 124; Аширов А., Қаюмов А. Ўзбеклар // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Т., 2005. – Б. 487–492; Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. – Самарканд, 2008.



фундаментал монография нашр килинди¹. Ушбу монографиянинг катта қисми ўзбекларнинг этник тарихини ёритишга бағишланган ва бу қисм академик К.Шониёзов томонидан ёзилган.² А.Дониёров, А.Аширов, А.Қаюмов, Азим Маликов, Хусниддин Мамадалиев, Ғайбулла Бобоёров каби маҳаллий олимларнинг қатор изланишлари натижасида яратилган илмий тўплам ва мақолалар ўзбек этногенези ва этник тарихи масаласи борасидаги тадқиқотларда ўз самарасини бермоқда.

Профессор А.Хўжаев ўзининг “Ўзбек халқи этногенезини ўрганишда хитой манбаларининг аҳамияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари”³ деб номланган мақоласида ўзбек этногенезига доир бўлган хитой манбаларини тўққиз гуруҳга бўлиб, тавсифлаб, моҳиятини очиб беради.

А.А.Ашировнинг “Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари” илмий тўпламида “Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига доир нашрлар ҳақида баъзи мулоҳазалар” деб номланган мақоласи⁴ аҳамиятга моликдир. Муаллиф истиқлол йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мавзусидаги бажарилган асарларни шартли равишда уч гуруҳга бўлади:

- 1) тарихий йўналишда бажарилган академик тадқиқотлар;
- 2) бадиий публицистик услубда ёзилган асарлар ва нашрлар;
- 3) хорижий муаллифларнинг илмий изланишлари.

Профессор сўнгги йилларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи хусусида ўрнаётган мутахассислар озчиликни ташкил этган бўлишига қарамай, салмоқли нашрлар пайдо бўлганлигини таъкидлайди.⁵

А.Х.Дониёров “ўтган асрдан ўзбек халқининг тарихи Ўрта Осиё минтақаси, асосан

икки дарё оралиғи: Амударё ҳамда Сирдарё, Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразм воҳалари билан боғлиқ” деб ёзган эди.⁶

Ўзбекистоннинг энг янги даврида бадиий публицистик услубда ёзилган асарларда ҳам ўзбек этноними билан боғлиқ турли қарашлар вужудга келди. Адабиётчилар Хуршид Даврон, Асқад Мухтор, Пўлат Зоҳидов ва бошқалар талқинида кўплаб фикр-мулоҳазалар юритилди. Жумладан, Хуршид Даврон ўзининг интернет саҳифасида шундай маълумот келтирилади. “XII асрда яшаган муаррих Усама ибн Мунқиз “Китаб ал-Иътибар” асарида Мосул амирининг исми Ўзбек эди деб қайд этади. Жалололдин Хоразмшоҳ кўшинбошлиқларидан бирининг исми ҳам Жаҳон Паҳлавон Ўзбек бўлгани маълум. Машҳур муаррих Рашиддин Фазлуллоҳ ал-Ҳамадоний ҳам ўзининг “Жоме ат-Таворих” асарида илғезидийлар сулоласига тегишли Табриз ҳокимининг исми Ўзбек Музаффар деб маълумот беради.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласига доир илмий тадқиқот ишлари оммалашди. Чоп этилаётган тадқиқотлар ўзининг кенг илмий негизига эга бўлсада, ўзбек халқининг келиб чиқиши билан боғлиқ муаммолар йўқ эмас. Бу масала юзасидан тадқиқ этилиши лозим бўлган, чуқур илмий таҳлилга асосланган илмий изланишлар олдимизда турибди. Ўзбек халқи этногенези ва этниктарихи масаласи доирилмий изланишлар тарихий тадқиқот методлари асосида ёритилиб, ўзбек тарихшунослигида холислик, умумбашарий қонуниятлар, далил ва исботлилиқ, манбалар билан тасдиқланганлик, тарихийлик каби методик ҳамда методологик асослар негизиде шакллантирилиши лозим. Ушбу масаланинг ўрганилишини такомиллаштириш, ҳеч қандай мафкурага оғишмай ҳаққоний тарихни яратиш замонавий шароитда долзарб тадқиқот ҳисобланмоқда.

¹ Ўзбеки. – М.: Наука, 2011. – С. 688.

² Шаниязов К.Ш. Этническая и политическая история узбеков // Узбеки... – С. 14–50.

³ Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. – Т.: Наврўз, 2014. – Б. 25–40.

⁴ Ўша манба. – Б. 41–52.

⁵ Ўша манба. – Б. 41–42.

⁶ Дониёров А.Х. Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке: основные этапы, проблемы, перспективы развития. Автореф. дис. ...док. истор. наук. – Т., 2003. – С. 180.